

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ**

2021 йил ноябрь ойининг 4 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ВКА режимида, раислик қилувчи судья: Т.Турсунов, судлов ҳайъати судьялари: К.Мирсафаев ва Х.Шамшиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Ахмедовнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Парпиев, судланувчи ААА ва унинг ҳимочиси адвокат Ш.Шокасимовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 27 августдаги ҳукмига кўра судланган,

ААА, 1988 йил 21 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, ХХХ-уйда яшаган, иш бўйича 2019 йил 17 декабрдан қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 28 май куни олганга,

нисбатан чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб судланувчи ААА томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан 1-1008-2001/94-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

АААга Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 11 (ўн бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, АААдан жабрланувчи БББнинг фойдасига 472.678.307 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ААА ўзганинг мулкани талончилик йўли билан, яъни очиқдан-очиқ талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 17 декабрь куни соат 12:00 ларда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Беруний” ҳиёбонида жойлашган “Регистон” тўйхонаси олдида БББни автомашинасидан тушаётганида рул чамбараги ёнида бўлган қора рангли пакетдаги 60.000 АҚШ долларини олиб қочган ва унинг ортидан қувиб келган БББнинг кўкрак қисмига оёғи билан тепиб, соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, БББни чалғитиш мақсадида 10.000 АҚШ долларини кўчага отиб юбориб, воқеа жойидан яширинган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 24 декабрдаги 5901-Х-Ҳуж. сонли хулосасига кўра, БББ чап қўл кафт соҳаси шилинмаси, ўнг қўл 3-бармоқ тирноқ пластинкасини четида синиши ва атроф тўқимасига қон



қуйилиши каби соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмайдиган энгил даражадаги тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.

Судланувчи ААА апелляция шикоятда, қилмишидан қаттиқ пушаймондалиги, биринчи марта судланиши, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлиги, оилавий шароити ва бошқа энгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб ЖК 57-моддасини қўллаб энгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Х.Шамшиевнинг маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи ААА ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Шокасимовнинг апелляция шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш, ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топди.

Судланувчи АААнинг суд ҳукмида баён этилган жиноятларни содир этганликдаги айби, жабрланувчи БББ, гувоҳлар ААА,ВВВ,ЙЙЙларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, нарсани олиш, кўздан кечириш, сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан АААнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган АААга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда унинг шахсини, ёшини, оилавий аҳволини, яъни қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг асосий қисми қопланмаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, у айбли деб топилган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати судланувчининг шикоятда келтирган важларини атрофлича муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди томонидан судланувчига ишдаги барча энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатга олиниб адолатли жазо тайинланган, унга ЖК



